
ФАРҶОНА ВИЛОЯТИДА ЕТИШТИРИЛГАН МЕВА ВА САБЗАВОТЛАР ГЕРМАНИЯ БОЗОРИГА ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров бошчилигидаги Фарғона вилояти делегациясининг Германияга ташрифи давомида “JES Green Line Gmbh” компанияси билан Фарғона вилоятида етиштирилган мева ва сабзавотларни қуритилган шаклда Германия бозорига етказиб бериш борасида музокаралар ўтказилди.

Музокаралар натижасида мева ва сабзавотларни қуритилган шаклда етказиб бериш бўйича “JES Green Line Gmbh” билан вилоятимиздаги “Marafon Group” холдинг компанияси таркибидаги “ILYASOV” МЧЖ ўртасида қиймати 5 млн. долларлик, шунингдек, “Обишир бизнес сервис” МЧЖ ҳамда Германиянинг “Müller Außenhandel e.K” компанияси ўртасида қиймати 1,5 млн. долларлик экспорт шартномалари имзоланди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2022-08-01 15:32:45